



НЕФТЬ-ГАЗ КИМЁСИ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
25 ноябрь куни нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига
оид тақдимот билан танишди.

Нефть-газ кимёси — қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Ўзбекистонда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарийб 9 миллиард долларлик 52 та лойиҳа белгиланган. Шундан 15 таси ноорганик кимё, 23 таси органик кимё, 12 таси полимерлар бўйича. Яна бир лойиҳага кўра, янги турдаги полимер маҳсулотлар бўйича илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиб, лойиҳаларни бевосита ишлаб чиқаришга жорий этадиган ҳамда етук мутахассислар тайёрлайдиган инновацион марказ ташкил қилинади.

Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Кўпикли полипропилен, ёғоч-полимерли композит лист, водород пероксиди, карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар, карбамид формальдегид концентрати, сульфат кислота, карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар келаси йили ишга туширилади. Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол заводининг иккинчи босқичи ҳамда комп-

рессорни ювувчи саноат мойи корхонаси бўйича ишлар бошланади.

Тақдимотда мазкур лойиҳалар ижросининг бориши, бу борадаги халқаро келишувлар натижалари юзасидан ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар билан ишларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлади.

Хомашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Тармоқлар раҳбарларининг хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти танқидий баҳоланди.

Шу муносабат билан газ-кимё соҳасини 2021 йилда ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, электр тармоқларида йўқотишларни анча қисқартириш ва узилтишларнинг олдини олиш, тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида энергетика соҳасини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш вазифасини қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЖАҲОН БАНКИНИНГ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ВА ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2020 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) билан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳамда 2020 йил 28 майда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (кейинги ўринларда — Банк) билан 82 миллион АҚШ доллари миқдорида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси (кейинги ўринларда — Банк) билан 82 миллион АҚШ доллари миқдорида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси (кейинги ўринларда — лойиҳа) бўйича 5 йиллик имтиёзли давр билан 30 йил муддатга қарз (кредит) битимлари имзолангани;

лоийҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улуши 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ташкил этаётганлиги;

лоийҳа Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан нисбатан ортада қолаётган 21 та туманида амалга оширилиши; лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2020 – 2024 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Уюшма ва Банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

лоийҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар лойиҳа бўйича имзоланган қарз (кредит) битимларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади; лойиҳани амалга ошириш доирасида Уюшма ва Банк кредитларини қайтариш, шунингдек, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Қуйидагилар:

“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки кредитларининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича “Йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий таш-

килотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан солиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

мазкур қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар божхона божни тўлашдан озод этилади;

ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов) Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т.Маматов) билан биргаликда лойиҳа доирасида аҳоли орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда доимий ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

Давоми 2-бетда

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА БАРҚАРОР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини шиддатли ва изчил амалга оширишнинг тўртинчи йили ҳам якунига етмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Бу муҳим ҳужжат том маънода янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори эканини амалда намоён этиб улғурди.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш учун асос бўлди. Бунда Конституциямиз Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган демократик

ислохотларни амалга оширишнинг конституциявий асоси сифатида хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди”. Конституция ва миллий тикланиш, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, бу қўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, имон ва олижаноблик, бағрикентлик ва мардлик, инсонпарварлик ва танглик каби улуғ хислатлар Конституциядан муносиб ўрин олган.

Кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 7 маротаба муҳим ўзгартаришлар киритилди.

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Биринчи ўзгартариш: 2017 йил 6 апрелда Конституциянинг 7 та моддасига киритилган тузатишларда қуйидаги 3 та устувор вазифа:

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кенгайтириш;

— одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш;

— номзодларни танлаш ва судьялар лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш — суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур конституциявий ўзгартаришлар суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини тақдорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу мақсадда Конституциянинг 80-, 81-, 83-, 93-, 107-, 110-, 111-моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИНГ БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу соҳаларда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани илгор биотехнологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2020-2024 йилларда биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тако-

миллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Биотехнологиялар соҳасида 2020-2024 йилларда бажариладиган устувор илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2021-2024 йилларда биотехнологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давоми 2-бетда

Интервью

ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАНГАН ХОМАШЁ ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР БЎЛАДИ



Нефть-газ кимёси — қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Мамлакатимизда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди. Тақдимотда билдирилган фикрлар юзасидан мутасаддилар ўз муносабатларини билдирди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЖАҲОН БАНКИНИНГ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ВА ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

6. Белгилансинки, лойиҳа доирасида: ҳар бир вилоят бўйича қишлоқлар аниқланган-дан сўнг, ҳар бир вилоятнинг тегишли сублойиҳалар бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлари юзасидан белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоблари ишлаб чиқилади ва экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади; Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари буюртмачи ҳисобланади; лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланади. 7. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп мартали визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

8. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин. 9. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э.Бурханов) лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин. 10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида: а) Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров: **бир ҳафта** муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин; **икки ҳафта** муддатда Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида “**Йўл ҳарита**”ларини ишлаб чиқсин ҳамда тегишминача халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар Кенгашларида тасдиқла-нишини таъминласин; тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда лойиҳани

амалга оширишга масъул бўлган мутахассислар малакасини ошириш учун хорижий консул-тантларни жалб қилган ҳолда **ўқув-тренинглар** ташкил қилсин; молиялаштирилган сублойиҳалар тўғри-сида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан **ҳар чорак якуни бўйича** Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин; “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг тузилмасини тасдиқласин ва фаолиятини йўлга қўйсин; тижорат банкида алоҳида ҳисобварақлари-га эга бўлган лойиҳани амалга ошириш бўйича бош гуруҳни Тошкент шаҳрида, шунингдек, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари учун Наманган шаҳрида ва Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари учун Жиззах шаҳрида лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳудудларро гуруҳларни ташкил этсин; лойиҳани амалга ошириш даврида лойиҳа-ни амалга ошириш гуруҳини молиялаштириш бўйича харажатларни Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин. Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоровга Жа-ҳон банкининг ижтимоий ва экологик ҳимоя-лаш ҳамда қўчириш сиёсати тамойилларини

ҳисобга олган ҳолда лойиҳа компонентларини амалга ошириш ва молиялаштириш жадвали-га ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланаётган иловаларга қўшимча ва ўзгартиришлар кири-тиш ҳуқуқи берилсин; б) Фарғона (Х.Х.Бозаров), Андижон (Ш.К.Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш.Абду-разаков), Сирдарё (Ғ.Ғ.Мирзаев) ва Жиззах (Э.А.Салиев) вилоятлари ҳокимликлари лойиҳани тўла-тўқис амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқилишини ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига ўз вақтида етказилишини белгиланган тартибда таъминласинлар. 11. Фарғона (Х.Х.Бозаров), Андижон (Ш.К.Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш.Абдураза-ков), Сирдарё (Ғ.Ғ.Мирзаев) ва Жиззах (Э.А.Са-лиев) вилоятлари ҳокимликлари қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун лойиҳа дои-расида молиялаштириладиган объекتلардан ташқари амалга ошириладиган тадбирларни

батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида маҳаллий бюджет ва қонун ҳужжатларида та-ққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширсин. 12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин. Қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қи-либ бориш, ижро учун масъул идоралар фао-лиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғулямов зиммасига юклансин. Амалга оширилаётган чора-тадбир-лар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2020 йил 25 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИНГ БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамия-ти институтларининг мамлакат **биологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мақ-садли вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлигини** таъминласин; Бактериологик (биологик) ва токсик қу-рол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги **Конвенция қондаларининг амалга оширилишини таъминлаш**; муҳим давлат аҳамиятга эга бўлган ҳамда мамлакатнинг биологик хавфсизли-гини таъминлаш бўйича чоралар кўриш да-вомида юзага келадиган долзарб **масала-лар ҳамда муаммоларни, шу жумладан, омма ўртасида муҳокама қилиш**. 4. Белгилаб қўйилсинки: Кенгаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-даги **маслаҳат органи** ҳисобланади ва мамлакатнинг биологик хавфсизлиги соҳа-сидаги давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда давлат органлари, илмий, нодавлат ноти-жорат ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида таш-кил этилади; Кенгаш ўз фаолиятини мажлислар ша-клида юрताди. Кенгаш мажлислари зару-ратга кўра, лекин **ҳар ярим йилда камида бир марта** ўтказилади. 5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Биологик хавфсизлик кенгашининг тар-киби** 3-иловага мувофиқ; Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Био-логик хавфсизлик кенгаши тўғрисидаги низо**м 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 6. Тошкент **вақцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг** (кейин-ги ўринларда — Институт) республикада фармацевтика биотехнологиялари ва ва-кцина-зардоб иштини ривожлантириш, ма-ҳаллий иммунобиологик препаратларни яратишга йўналтирилган фаолияти қўла-б-қувватлансин ва унинг ушбу йўналиш-даги **асосий вазифалари этиб қуйидаги-лар белгилансин**: иммунобиологик препаратлар (вакцина-лар, зардоблар, тест-диагностикумлар ва бошқалар) бўйича **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш** ҳамда уларни амалиётга жорий этиш; мамлакатнинг биологик хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг **илмий-техник ва усл-бий жиҳатдан таъминлаш**; вакцина-зардоб иши бўйича инфекция касалликларига қарши **профилактика, диагностика, дори воситалари ва препа-ратларини яратиш**, уларнинг ишлаб чиқа-риш технологияларини такомиллаштириш; илмий фаолиятга оид давлат дастурла-ри доирасида биотехнология, иммунопо-лия ва микробиология соҳасидаги **илмий лойиҳаларни амалга оширишда ишти-рок этиш**. 7. Қуйидагилар: Тошкент **вақцина ва зардоблар ил-мий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 8. Институт фаолиятини самарали таш-кил этиш мақсадида: а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хад-жибаев) ва

икки ой муддатда Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари дастури ва 2025 йилгача мақсадли кўрсаткичларни Фан ва техноло-гиялар бўйича республика кенгаши томи-нидан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси-га киритсин; Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У.Турдиқулова), Фанлар академияси (Б.С.Олдаршев) билан биргаликда Инсти-тутни **2021 йил 1 апрелга** қадар юқори малакали илмий ходим ва мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин; Институт фаолиятини йўлга қўйиш са-марадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январда** Вазирлар Маҳка-масига ахборот берилсин; б) Фармацевтика тармоғини ривож-лантириш агентлиги (кейинги ўринларси — Агентлик) (С.Х.Кариев) Институтни замонавий лаборатория ускуналари ва жиҳозлари, ортехника, компьютер ҳамда бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин; в) Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Х.Бекенов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артиқходжаев), Агент-лик (С.Х.Кариев), Фанлар академияси (Б.С.Олдаршев) ҳамда Инновацион ривож-ланиш вазирлиги (Ш.У.Турдиқулова) **икки ой муддатда** Институтни бино ва иншоот-лар билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қиритсин; г) Вазирлар Маҳкамаси (Б.А.Мусаев, О.М.Умаров) Институт фаолиятининг са-марали йўлга қўйилишини мувофиқлаш-тирсин. 9. Белгилансинки:

2021 йил 1 январдан бошлаб Инсти-тут ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш бўйича харажат-ларни молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш **Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади; Институт ходимлариغا Фанлар акаде-мияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбат-лантириш шартлари** қўлланилади; Агентлик ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, **Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари**, қонун ҳужжат-лари билан тақиқланмаган бошқа манба-лар ҳисобига ёки **аутсорсинг ҳамда дав-лат-хусусий шериклик механизмларини** қўллаш орқали Институтнинг тажриба-иш-лаб чиқариш бўлимларини (штар бир-ликларини) тўлдириш ҳуқуқига эга. 10. Агентлик, Соғлиқни сақлаш вазирли-ги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг “**Tashkent Pharma Park**” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида: “**Вакциналар ишлаб чиқариш май-дончасини ишга тушириш**” лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш; Институт ҳузурида **хавфсизлик да-ражаси бўйича “BSL-3” халқаро стан-дартига мос келувчи тажриба-синов лабораториясини** (кейинги ўринларда — “BSL-3” лабораторияси) ташкил этиш тў-ғрисидаги тақлифлари маъқуллансин. Белгилаб қўйилсинки: Агентлик лойиҳа самарали амалга оши-рилиши ҳамда “BSL-3” лабораторияси ташкил этилиши учун масъул бўлган **ижро этувчи орган** ҳисобланади; лойиҳани амалга ошириш ва “BSL-3” лабораториясини ташкил этишни умумий мувофиқлаштириш Инвестициялар ва

ташқи савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади. Агентлик (С.Х.Кариев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафоев) билан биргаликда **икки ой муддатда** лойиҳани амалга ошириш ва “BSL-3” лабораторияси-ни **ташкил этиш концепцияси ва техник-иктисодий асослари** етачки лойиҳа инсти-тутлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларни молиялаштириш манбала-рининг аниқлаштирилишини таъминласин. 11. Институт фаолиятини молиялашти-риш манбалари этиб қуйидагилар белги-лансин: Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказиладиган тан-ловлар натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар; Институт фаолиятига мос йўналишлар бўйича ҳўжалик шартномаларини бажариш асосида олинган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг хо-миялик хайриятлари; халқаро молия институтлари ва хори-жий ташкилотларнинг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар. 12. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг:

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илгор технологиялар марказида (кейинги ўринларда — Илгор техно-логиялар маркази) Копенгаген университе-ти (Дания) билан ҳамкорликда замонавий **фудомикс лабораториясини, “ҳужайра технологиялари” илмий лаборатория-сини** ҳамда биотехнология, биология, биотиббидёт, кимё соҳаларида яратилади-ган катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш бўйича “**Big Data**” миллий лабора-ториясини; Фанлар академиясининг **Микробио-логия институтида “фитовирусология” илмий лабораториясини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин. Ушбу биотехнологик лабораторияларни ташкил этишни молиялаштириш манбала-ри этиб Инновацион ривожланиш ва нова-торлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жам-ғармаси маблағлари, илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағ-лар, халқаро молия институтлари, ташки-лотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқ-ланмаган бошқа манбалар белгилансин. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) **2021 йил якунига қадар** ушбу биотехнологик лаборатория-ларнинг ишга туширилишини таъминла-син. 13. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) **2021-2022 йилларда** илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйида-гиларни молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига **20 мил-лиард сўмгача** маблағлар ажратсин: биотехнологиялар соҳасида “**стартап**” **лоийҳаларини** амалга ошириш; 50 фоизгача биргаликда молиялашти-риш шарти билан **тажриба-саноат био-технологик ишлаб чиқаришларни** таш-кил этиш ва ривожлантириш; биотехнологияларни ривожлантириш учун **илмий ва лаборатория ускуналари**ни харид қилиш;

соҳага замонавий **технология, иннова-цион гоғ** ва **ишланмаларни** жорий қилиш; ёш мутахассисларни хорижда **илмий стажировкадан** ўтказиш, хорижий мута-хассис ва маслаҳатчиларни жалб қилиш. 14. **2020 йил 1 декабрдан** бошлаб шун-дай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: а) **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағ-лари** ҳисобидан: биотехнологиялар соҳасида инвести-ция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг **50 фоизгача (50 фоизи ҳам қиради)** миқ-дорда, бироқ **8 оиниз сўмгача** ортқ бўлмаган миқдорда **қафиллик** берилади; кредит суммаси **10 миллиард сўмдан** ортқ бўлмаган биотехнологиялар соҳа-сида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича **фоиз харажатларини** қоплаш учун қуйидаги миқ-дорларда **компенсация** берилади: миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банк асосий ставкасининг **1,5 бараваридан** ортқ, бироқ **5 фоизли** пунктдан ошмаган миқдорда; хорижий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгилан-ган ставканинг **30 фоизи**, бироқ **4 фоизли** пунктдан ошмаган миқдорда; б) биотехнологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида **3 миллион АҚШ дол-ларидан** кам бўлмаган тўғридан-тўғри инвестиция киритган хорижий илмий таш-килотларга Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ил-мий тадқиқотларни амалга ошириш учун **10 миллиард сўмгача мақсадли грантлар** тақдим этилади. Бунда: илмий фаолиятга оид давлат дастурла-ри учун мақсадли грантлар киритилган ин-вестиция маблағлари тўлиқ ўзлаштирилган-дандан сўнг тақдим этилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига илмий фаолият субъектлари томонидан олинган интеллектуал мулк объектлари-га бўлган ҳуқуқ давлатнинг илмий ва олий таълим, шунингдек, бошқа давлат муасса-салари номидан, агар интеллектуал мулк объектилари муаллифлари билан тузилган шартномаларда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлатга тегишли бўлади. 15. Шундай амалиёт жорий этилсинки, унга кўра: Илгор технологиялар маркази **ҳар йили 1 декабрга қадар** Тариф ва нота-риф тартибга солиш кенгашига биотехно-логик махсуслотлар ишлаб чиқариш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб қириладиган Ўзбекистон Республи-касида ишлаб чиқарилмайдиган хомашё, реактивлар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳўжатлар, дастурий таъминотлар учун ундирилдиган **божжо-на божларни камайтириш** бўйича асос-лантирилган тақлифлар киритиб боради; Тариф ва нотариф тартибга солиш кенга-ши (С.У.Умарзаков) тақдим этилган тақлиф-ларга асосан божхона божларини камайти-риш масалаларини кўриб чиқиб, белгиланган тартибда тегишли қарор қабул қилади. 16. Ўзбекистон Республикаси **Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг боғавфсизлиги бўйича Картахен прото-колига** (Монреаль, 2000 йил 29 январь) қў-

шилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Картахен протоколи қондаларини амал-га ошириш мақсадида Инновацион ри-вожланиш вазирлиги (Ш.У.Турдиқулова) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** таркибида генетик модификацияланган организмлар, пестицидлар, озиқ-овқат қўшимчалари ва бўёқлар мавжуд бўлган **қишлоқ ҳўжали-ги ва озиқ-овқат махсуслотларини мар-кировкалашни босқичма-босқич жорий этиш** бўйича, шу жумладан, қуйидагилар-ни назарда тутувчи Ҳўкумат қарори лойи-ҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин: Санитария-эпидемиологик осийошта-лик ва жомоат саломатлиги хизматининг ҳудудларда жойлашган **лабораторияла-рини аккредитациядан ўтказиш**; Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ташкилотлар, Ветеринария ва чор-вачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУҚда ўз маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат махсуслотлари, шунингдек, ўсимликшунослик учун хомашё, омухта ва экиш материаллари таркибида генетик модификацияланган ор-ганизмларнинг мавжудлигини аниқлаш учун **лабораторияларни** (реал эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда) **ташкил этиш**. 17. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой му-датда**:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўй-ича халқаро конвенция ва бошқа тегиш-ли халқаро стандартларга мувофиқ рухсат берилган **пестицидлар, захарли кимёвий моддалар ва минерал ўғит-лардан фойдаланиш нормаларини** қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин; **биотехнологик махсуслотлар истеъ-моли ҳажмини ошириш**, қишлоқ ҳўжа-лигида кимёвий ўғитлар, пестицидлар ва бошқа захарли кимёвий моддалардан фой-даланишдан **биопрепаратларга босқич-ма-босқич ўтиш бўйича комплекс чора-тадбирларни** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 март-дан** бошлаб пестицидлар, гербицидлар ва бошқа захарли кимёвий моддаларни иш-лаб чиқарадиган ёки Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳудудига олиб қирадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ушбу моддаларнинг стандарт намуналари белгиланган тартиб-да **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳў-жалигида ўсимлик зараркундандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган ким-ёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликлар ўси-шини бошқарувчи воситалар рўйхатига киритилишини ва ушбу стандарт наму-налари билан бирга сотилишини** таъ-минлайди. 18. Кенгаш (А.Н.Арипов) **бир ой му-датда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳўкумат қарори лойиҳасининг ишлаб чиқи-лиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритили-шини таъминласин: биологик хавфларни мониторинг қилиш

бўйича **мустақил тизимни** яратиш; биологик хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизими доирасида **автоматлаш-тирилган ахборот-таҳлилий ва прогноз-моделлаштириш комплексини** яратиш; объектлар, ҳудудлар ва табиий ҳодиса-ларнинг биологик хавф-хатар даражасини аниқлаш ва тоифалаш бўйича **ягона ме-зонлар ва услубий базани** ишлаб чиқиш. 19. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** ушбу қарор қондаларини инобатга олиб, қуйидаги ҳуқуқий механизм-ларни назарда тутган ҳолда “**Ўзбекистон Республикаси биологик хавфсизлиги тўғрисида**”ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишини якунига етказсин: **ген-муҳандислик фаолияти** хавфсиз-лигини таъминлаш, шу жумладан, генетик модификацияланган организмлардан хавфи-ни баҳолашнинг миллий тизимини яратиш ва унинг фаолият юритиш; вужудга келган биологик хавф-хатарлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган **мақсадли ишланмаларни тез-кор молиялаштириш**. 20. Кенгаш (А.Н.Арипов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махму-дов билан биргаликда **бир ҳафта муддат-да** ушбу қарорда белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан **2021 йил** учун чо-ра-тадбирлар режасини тасдиқласин ва ижросини таъминлаб қўйсин, келгусида **ҳар йилнинг 1 декабрга қадар** кейинги йил учун худди шундай чора-тадбирлар режа-сини ишлаб чиқиб, амалга оширилишини таъминласин. 21. Ахборот ва оммавий коммуникация-лар агентлиги (А.А.Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Қучимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпа-нияси (А.Д.Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу қарор моҳияти ва аҳамияти бўйича чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этсин. 22. Инновацион ривожланиш вазирли-ги (И.Ю.Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.К.Осупалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгати-риш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 23. Мазкур қарор ижросини сама-рали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов ва соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев белгилансин. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчи-си А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин. Амалга оширилаётган чора-тад-бирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни** бўйича ахборот бе-риб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2020 йил 25 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА БАРҚАРОР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тузатишларга мувофиқ, Олий ҳужалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланди.

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Иккинчи ўзгартириш: 2017 йил 31 майда Конституциянинг 4 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Асосий қонунимизнинг 80 ва 93-моддаларига киритилган ўзгаришларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилган ва у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши ҳамда қўмитанинг раиси ва раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланиши ҳамда лавозимидан озод қилиниши белгиланди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Конституциянинг 108-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия

этанг шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди.

Конституциянинг 108 ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзолангунига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини қўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасида Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилди.

Ушбу конституциявий янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда судлов тизимини янада такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу конституциявий янгиликлар судьялар ва суд тизими ходимларини ижтимоий рағбатлантиришни юқори даражага кўтарди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида** кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасида фуқаролар ва юридик шахсларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Конституциявий судга



мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиб, Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Конституциявий суд ваколатлари, Конституциявий суд судьясининг мақоми, Конституциявий суд ишларини юритиш, Конституциявий судга мурожаат қилиш ва мурожаатни дастлабки тарзда қўриб чиқиш ва ўрганиш масалалари аниқ қилиб белгиланмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, ҳозирги вақтда Конституциявий суднинг фаолияти 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун билан тартибга солинишини таъкидлаш лозим. Аммо Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган регламент билан белгилаб берилган.

Ақсарият мамлакатлар Конституциявий судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидалар Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам улар қонун билан белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, Конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб муаммолар

ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этадиган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТУМАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Учинчи ўзгартириш: 2017 йил 29 августда Конституциянинг 99-моддасидаги “шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан” деган сўзлар чиқариб ташланди. Конституциянинг 99-моддасига ўзгартириш киритиш орқали Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари кенгашларини ташкил этишнинг конституциявий асоси мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 102-моддасига ҳам учта ўзгартириш киритилди. Яъни Тошкент шаҳри таркибидagi 11 та туманнинг барчасида халқ депутатлари кенгашлари ташкил этилиши муносабати билан Конституциянинг 102-моддасида туман ва шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилишнинг ягона тартиби ўрнатилди.

Ушбу конституциявий ўзгаришлар, авваламбор, пойтахт жамоатчилигига Тошкент шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишдаги иштироки ва ролини кучайтириш, туманларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўйиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор дастурларини амалга ошириш, туманларнинг бош режалари ва қурилиш қоидалари, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ улар бўйича имтиёзлар бериш устидан назорат қилиш механизми ўрнатилишини таъминламоқда.

МАҲАЛЛА ВА КОНСТИТУЦИЯ

Тўртинчи ўзгартириш: 2018 йил 15 октябрда Конституциянинг 105-моддаси биринчи қисмидаги “икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини” деган сўзлар “раисни (оқсоқолни)” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бешинчи ўзгартириш: 2019 йил 18 февралда Конституциянинг 80-моддаси 7-бандидаги ва 93-моддаси биринчи қисмининг 24-бандидаги “Миллий” деган сўз “Давлат” деган сўз билан алмаштирилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

Олтинчи ўзгартириш: 2019 йил 5 мартда Конституциянинг 3 та моддасига ўзгартиришлар киритилди. Бу янгиланишларга мувофиқ, эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади.

КОНСТИТУЦИЯ ВА САЙЛОВЛАР

Еттинчи ўзгартириш: 2019 йил 4 сентябрда Конституциянинг 2 та моддасига ўзгартиришлар киритилди. Шунга мувофиқ, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз

деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Утган уч-тўрт йил давомида ҳаёти-мизнинг барча соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам шиддатли ислохотлар амалга оширилди. Кейинги даврда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимига халқаро стандартларни жорий қилиш орқали судья ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бу борада муайян натижаларга эришилгани халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг** таъкидлашича, ана шу туб янгиланишларнинг моҳияти, жумладан, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилишига халал берадиган сиёсий таъсирларни камайтиришга қаратилганида яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, ўзвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Бинобарин, Конституция инсониятнинг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш борасида кашф этган энг муҳим ютуқларидан биридир.

Конституция ўз-ўзича, яъни алоҳида, жамиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Демакки, Конституцияни қотиб қолган қоидалар йиғиндиси деб бўлмайди.

Конституция динамиқ, яъни доимий ҳаракатдаги, ўсиш ва ривожланиш жараёнидаги ҳужжатдир. У ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистоннинг янги конституциявий қиёфасига асос бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда.

Интервью

ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАНГАН ХОМАШЁ ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Жўрабек МИРЗАМАҲМУДОВ, “Ўзкимёсаноат”АЖ бошқаруви раиси:



— Бугунги кунда кимё соҳасида асосан минерал ўғитлар ишлаб чиқарилаётгани боис, йиғилишда тизимда бошқа қўшимча қийматли маҳсулотлар улушини ошириш, янги инновацион ғоя ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада нафақат маҳаллий, балки халқаро таъкилотлар учун “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан танлов эълон қилиниб, унинг натижалари асосида янги лойиҳаларни тақдим этиш топшириғи берилди. Танлов иштирокчиларининг газ-кимё соҳасини ривожлантириш бўйича тақлифлари, янги лойиҳалари ўрганилиб, уларни Ўзбекистоннинг бой хомашё ресурсларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш масалалари алоҳида қўриб чиқилди.

Шухрат ВАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари:




— Бугунги йиғилишда мутахассислар газ-кимё соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботларини тақдим этди. Хомашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш бўйича муҳим топшириқлар берилди. Президентимиз яна бир марта давлат органлари ва давлат хизматчилари халқ манфаатидан келиб чиқиб ишлаши кераклигини алоҳида таъкидлади. Халқ манфаатини

Соҳадаги яна бир муҳим вазифалардан бири сифатида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ундаги минерал ўғитлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни кафолатли ҳамда сифатли етказиб бериш бўйича тизим ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда яқуний истеъмолчи, яъни фермер ёки деҳқонларга етказиб берилаётган ўғитнинг таннархини пасайтириш асосий масала ҳисобланади. Жамиятимиз зиммасига бевосита ҳудудлар, ҳокимликлар ва ташкилотлар билан ишлаб, нархларни мақбуллаштириш, орадаги воситачилик тизимини йўқ қилиш орқали буюртмаларни кафолатли, ўз вақтида етказиб беришни йўлга қўйиш вазифаси топширилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тез кунларда тегишли тақлиф ва ҳисоб-китобларимизни тақдим этамиз.

таъминлашда авваламбор янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратиш зарур. Бу иш ўринлари маоши юқори ва замонавий бўлиши лозимлиги таъкидланди. Бугунги кунда газ-кимё, табиий газни қайта ишлаш соҳасида 50 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Унинг 13 таси бўйича аниқ инвесторлар бор. Уларнинг айримлари инвестиция ҳам киритган. Қолганларини жалб қилиш мақсадида музокаралар олиб боришмоқда. Яна 12 та лойиҳа бўйича техник-иқтисодий асослар тайёрланган ва бу бўйича инвесторлар билан иш олиб боришмоқда.

Мораторий

135 мингга яқин дарахт ва буталар қандай асраб қолинди?



Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони асосида 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабрга қадар давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо дарахтлар ва буталар навларининг кесилишига мораторий жорий этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида таъкил этилган матбуот анжумани ушбу мораторий даврида амалга оширилаётган ишлар тафсилотларига бағишланди. Унда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Нарзулла Обломуродов ҳудудларни кўкаламзорлаштириш,

шунингдек, қимматбаҳо дарахтлар ва буталар навлари кесилишининг олдини олиш бўйича мораторий даврида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Маълум қилинишича, мораторий даврида жисмоний ва юридик шахслардан жами 4018 та (10 ойлик ҳолатига кўра) мурожаат келиб тушган бўлиб, 188 943 туп давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесиш учун рўхсат сўралган. Жами 134 232 туп (71 фоиз) дарахт ва буталар, шундан 65 105 туп шарқ чинори, эман, крим қарағайи, чинорсимон

заранг, элдор қарағайи, каштан, шумтол, турангил ва бошқа 20 турдан ортиқ ноёб дарахт ва буталар кесилишининг олди олингани ҳам мурожаатларни қўриб чиқишга қай даражада жиддий ёндашилганидан далолат беради.

Мораторий муносабати билан олиб борилган давлат экологик назорати тадбирлари натижасида эса жорий йил 20 ноябрь ҳолатига кўра, жами 3897 та қонунбузарликлар аниқланиб, 4316,1 миллион сўм миқдорда белгиланган жаримнинг 2757,4 миллион сўми ўндирилди.

Қолган жарима ва табиатга етказилган зарарни ўндирish мақсадида 338 та ҳолат бўйича (6913,1 миллион сўм) тўпланган ҳўжатлар тегишли органларга (суд, прокуратура, МИБ, ИИБ) киритилди. Қонунбузарлик содир этган шахсларга 17 та ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

Аниқланган ҳўқуқбузарликларга кўра, жами 2298 метр куб бута, 7854 дона дарахт, шундан, 3307 дона қимматли ва 4547 дона кам қимматли дарахтлар ноқонуний равишда кесилган. Ҳўқуқбузарлардан 121 та аслага ашъвий далил сифатида олиб қўйилган.

Ҳўқуқбузарликларнинг 167 таси мансабдор шахслар томонидан содир этилган. Хусусан, Сирдарё тумани ҳокимининг ўринбосари томонидан 11,7 миллион сўм ҳамда Яқкасарой туманида “Building and Supplies” қурилиш корхонаси томонидан 81 туп дарахт кесилгани натижасида 630,4 миллион сўм миқдорда табиатга зарар етказилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маъмур мораторийнинг жорий этилиши, аввало, ҳудудларда дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, экологик ҳолатнинг яхшиланишига, қолаверса, ижтимоий тармоқларда дарахтлар кесилиши билан боғлиқ салбий кишиларни камайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.



ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВА ХИТОЙЛИК ОЛИМЛАР ЭЪТИБОРИДА

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Республикамиз олий ўқув юр்தларининг жаҳондаги етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши, ўзаро тажриба алмашиши, мутахассисларнинг малака ошириши бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Миллий университети Хитой Фанлар академиясининг Синьзян Экология ва география институти уртада имзолаган “Хитой—Ўзбекистон ҳамкорлик ташаббуси — Орол денгизи минтақасини экологик тиклаш бўйича Урумчи декларацияси”га мувофиқ, Орол денгизини экологик тиклаш бўйича минтақавий ҳамкорлик доирасида бўлиб ўтган тадбирда Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш, курғоқчиликка чидамли ўсимликларни кўпайтириш, ҳайвонот дунёси ҳолатини яхшилаш масалалари хусусида фикрлар, тақлиф ва ташаббуслар билдирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган Халқаро анжуманда Хитой, Туркменистон, шунингдек, МДҲ мамлакатларининг таниқли мутахассислари, миллий ҳамда халқаро даражадаги экспертлар, докторантлар ва соҳанинг малакали мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Хитой Фанлар академиясининг Синьзян Экология ва география институти ўртасида имзолаган “Хитой—Ўзбекистон ҳамкорлик ташаббуси — Орол денгизи минтақасини экологик тиклаш бўйича Урумчи декларацияси”га мувофиқ, Орол денгизини экологик тиклаш бўйича минтақавий ҳамкорлик доирасида бўлиб ўтган тадбирда Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш, курғоқчиликка чидамли ўсимликларни кўпайтириш, ҳайвонот дунёси ҳолатини яхшилаш масалалари хусусида фикрлар, тақлиф ва ташаббуслар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор давримизнинг ўткир муаммоларидан бири — Оролбўйи худудидagi экологик вазиятга қаратиб, таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараёнинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда”. Дарҳақиқат, бугунги кунда Оролбўйи худуди экологик фожианинг нафакат бир мамлакат ёхуд минтақа, балки жаҳон миқёсидаги марказига айланди.



2019 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Миллий университети билан Хитой Фанлар академиясининг Синьзян Экология ва география институти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Ушбу ҳамкорлик доирасида ўша йилнинг ўзидаёқ Хитой Халқ Республикасида Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик муаммолар ва уларнинг илмий ечимига бағишланган “Экология, атроф-муҳит ва минтақавий барқарор ривожланиш бўйича Сино — Ўзбекистон симпозиуми” ўтказилган эди. Иккинчи бор ташкил этилган ушбу Халқаро анжуман ана шу ҳамкорлиқнинг мантиқий давомидир.

— Утган йили Ўзбекистон Миллий университети биология факультетининг 100 нафардан зиёд ташаббускор ёшлари Оролда ўқув-илмий майдон яратиш ташаббуси билан чиққан эди, — деди Ўзбекистон Миллий университети биология факультети декани, профессор Тўхтасин Абдурахмонов. — Имкониятимиз чеклангани боис, ўша йилнинг март ойида 40 нафар талаба ёшлар билан Мўйноқ туманида 1,3 гектар ерда биринчи боғни барпо этдик. Хитой Фанлар академиясининг бир гуруҳ ёш олимлари билан келишган ҳолда, янги технологиялар асосида барпо этилган боғда даракт қўчатларининг 85 фоизи униб-ўсди. Ушанда хорижлик ҳамкасбларимиз билан Орол муаммосига бағишланган илмий анжуман ўтказиш, илмий тадқиқот олиб бориш, у ерда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва худудда барқарор ижтимоий-иқтисодий шароит яратишга ҳисса қўшишга келишиб олинганди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Миллий университети ва Хитой Фанлар академиясининг Синьзян Экология ва география институти ҳамкорлигида ЎзМУ биология факультети қошида “Экосистемалар ва биомлар” Ўзбекистон — Хитой илмий тадқиқот лабораторияси очилди. Лаборатория экотизим, тупроқ бўйича юқори савияли мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқот жараёнларига талаба, докторант ва мустақил тадқиқотчиларни кенг жалб этиш ва илмий изланиш олиб бориш мақсадида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон экотизимининг биологик хилма-хиллигини ўрганиш, иқлим ўзгаришининг ўсимликлар, тупроқ ва микроорганизмларга таъсирини таҳлил қилиш кўзда тутилмоқда. Лаборатория, шунингдек, доривор ўсимлик турлари ва биологик фаол моддалар таркибини аниқлаш, микроорганизмлар коллекциясини яратиш, улардан юқори технологик хусусиятга эга штаммларни яратиш, ўсимликлар чидамлилигини оширувчи янги препаратлар яратиш каби вазифаларни бажаради.

Бугун жаҳонда 170 мингта рақамли кинозал мавжуд бўлиб, бу 41 минг аҳолига битта кинотеатр тўғри келишидан далолат беради. Шу кўрсаткичдан келиб чиқадиган бўлсак, бугун Ўзбекистонда рақамли кино намоиши учун 700 дан ортиқ майдончалар бўлиши керак. Республикамизда эса 210 та кинозал бўлиб, ҳаммаси ҳам рақамли юқори технологияларга эга эмас.

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН МУСТАҲКАМ КЎПРИК

Бу йил Марказий Осиёнинг энг кекса киностудияси янгидан таъмирланган ҳашаматли бинода табарруқ 95 ёшини қаршилади. Давлатимиз раҳбарининг 20 ноябрь “Ўзбекфильм” киностудиясида киноижодкорлар билан бўлган мулоқоти анчадан бери интиқлик билан кутилган самимий бир суҳбат тарзида ўтди. Айтиш керакки, бугун Ўзбекистонда киноиндустрия, киносанъатиға жуда катта эътибор берилляпти.



Нигора КАРИМОВА,
“Ўзбеккино” Миллий Агентлиги
бандий Кенгаши аъзоси,
санъатшунослик фанлари доктори

Хусусан, мазкур учрашувда ҳам кўп масалалар, мавжуд муаммолар ва истиқболли режалар юзасидан дилдан суҳбатлашдик. Бу тарихий учрашувда мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиётда давр талабига жавоб бера оладиган ғоявий-бадийий етук киноасарларнинг ўрни, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, киноиндустрияни изчил ривожлантириш ва унинг мукаммал моддий-техник базасини яратишга оид стратегик ислохотларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Муҳими, кино санъатининг жамиятни демократик модернизациялаш ва маданий юксалтиришдаги аҳамияти эътироф этилди.

Шунингдек, тарихий-маданий аҳамиятга эга ноёб материал ҳисобланувчи миллий кино меросимиз, уни сақлаш ва келгуси авлодларга, албатта, етказиш зарурати хусусида аниқ кўрсатмалар ва вазифалар илгари сурилди. Шу ўринда миллий киноиндустриянинг ривожини халқнинг маънавий қиёфасининг, маданиятини шакллантириши, жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Кинематография соҳасидаги касбий амалиёт эҳтиёжларига жавоб берувчи самарали профессионал таълим тизимини яратиш борасида Бутунроссия давлат кинематография институтининг филиалини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, бугун соҳани ривожлантириш учун кўплаб малакали киномутахассисларни тайёрлаш, уларда мазкур соҳа учун керакли энг янги инновацион ва креатив кўникмаларни шакллантириш давр талабидир. Шу ўринда киноижодкорлар тақлифига биноан, кино академиясининг ташкил этилиши, ёш мутахассисларни хорижий киномактабларга тажриба алмашиш, малака ошириш учун сафарбар этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Албатта, изланиш, интеграция бор жойда иқодий ўсиш бўлади. Ҳозирча фильмлар яратишга иштиёқ, ҳавас борлиги, аммо фильмларимиз мазмун-мундарижасини, моҳиятини янада мукаммаллаштириш зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди, киноижодкорлар олдига улкан вазифалар қўйилди. Бинобарин, барча худудларда кино санъатиға иқтидори бор болалар учун мактаблар

очиш, бу мактабларда ўқитилажак махсус дастурларни шакллантириш зарурлиги айтилди.

Муҳими, киноижодкорларимиз мана шу мактабларда “Маҳорат студиялари”, “Ижодий устахоналар” очиб, ихтисосликлар бўйича назарий ва амалий дарсларни йўлга қўйишлари кераклиги таъкидланди. Бундай мактаблар фаолияти фарзандларимиз, миллатнинг, миллий кионининг истиқболини белгилловчи ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиши табиий. Кино мактаблари тармоғи юртимизнинг яқин ва узоқ шаҳар ва қишлоқларида ёш томошабинларга миллий ва жаҳон кинематографиясининг энг яхши намуналарини тақдим этишга, шунингдек, мактаб ўқувчиларида юқори савияли кинофильмларни кўра билиш, талқин қилиш ва ва танлай олиш маданияти юқори дид ва киносаводхонлиқни шакллантиради, шубҳасиз. Бундай мактабларга миллий киноимз пойдеворини яратган атоқли киноижодкорлар — Наби Ғаниев, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Шухрат Аббосовнинг номилари берилиши ҳақидаги тақлиф барча киноижодкорларимизга кўтаринки кайфият берди. Улкан вазифалар залвори, бунёдкорлик иштиёқи киноижодкорларимиз сафини жипслаштириши муқаррардир.

Давлатимиз раҳбарининг миллий киномеросимизни сақлаш, актуаллаштириш, турли даврларда яратилган фильмларнинг бадийий эстетикаси ва ижтимоий-маданий жиҳатларини замонавий томошабинга етказиш мақсадида 100 та ўзбек киноклассикасига оид фильмларни телеканаллар орқали намоиш этиш ҳақидаги топшириғи Республика Кинофонди, кинотадқиқотчиларимиз, хусусан, киношунослик фани олдига ғоят масъулиятли вазифани қўндаланг қўйди. Зотан, бу фильмлар рўйхатини шакллантириш, уларга илмий шарҳлар тайёрлаш, ихтисослашган каталоглар нашр этиш билан бирга, мазкур фильмларни рақамлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам ўз ечимини кутмоқда.


1925-1993 йилларда “Ўзбекфильм” студиясида суратга олинган аксарият фильмлар киноплёнчаларда бўлиб, асл нусхалари Россия Давлат Фильмофондида сақланмоқда. Биз мана шу плёнчаларни рақамлаштириш, қолаверса, уларни ўзбек тилидаги опциялари билан мувофиқлаштирган ҳолда, жоиз бўлганда реконструкциялаш, ранг бериш ва бошқа технологик жараёнларни амалга ошириш орқали нафакат ўзбек томошабинларига асл меросини қайтарамиз, балки ЮНЕСКОнинг 2015 йилда қабул қилган таърифи билан “инсоният хотирасини” тиклаймиз, келажақ авлодлар учун турли тарихий даврлар ва инсонлар қисматларининг “тасмаларга муҳрланган”, “Иккинчи жаҳон уруши мавзуси кинода”, “Ўзбек миллий кинокомедиялари”, “Овозсиз кино тарихидан” ва бошқа мавзулар доирасини қамраб олиши мумкин.

Айтиш керакки, мазкур учрашувда муҳокама қилинган масалаларнинг асосий қисми ёшларга, болаларимиз тақдирини, уларнинг ҳар жабҳада илғор, комил инсон бўлиб етишишларига қаратилган эди. Болалар учун яратилаётган фильмларнинг сони ҳам, сифати ҳам етарли

эмаслиги, болалар кинолари, болалар учун сериаллар, мультимпликацион фильмлар яратиш хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Болалар фильмларига ихтисослашган киностудияни барпо этиш тақлифи мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида тақлиф этилди.

Давлат раҳбари томонидан киноиндустрия соҳасидаги ислохотлар, кино

Минтақада кино бозорининг ҳолатига оид таҳлилий тадқиқотларда Ўзбекистоннинг истиқболли мавқеи ва имкониятлари ҳақида сўз юритилса-да, бугун республикада шу истиқболга эришиш учун ечимини топиш зарур бўлган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, кинотеатрларнинг замонавий тармоғи ва малакали кадрлар етишмаслиги, соҳаға оид



санъатида кечаётган жараёнларнинг самараси Учинчи Ренессанс учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. “Ўзбекфильм” киностудиясида жаҳон киноларига рақобатбардош асарлар яратиш учун зарур шароитлар яратиш, айниқса, киноижодкорларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, муҳофазалаш масалалари ҳам биргалиқда муҳокама қилинди. Масъулиятли вазифалар билан бир қаторда ўзбек киноижодкорлари учун янги “Киночилар уйи” иншоотининг қурилажиги ҳақидаги хушхабар ҳозир бўлганларда эртанги юксалишга ишонч орттирди.

Мамлакатдаги кино жараёнини давлат томонидан бошқариш зарур эканлиги мустақиллик йилларида қабул қилинган қатор қарорларда тўла асослаб берилди ва бу амалиётга жорий этилди. Сўнгги йиллар мобайнида кинотармоқ қайта тикланмоқда. Кинотеатрлар аста-секинлик билан ўзининг асосий фаолиятиға қайтиб, миллий кинокартиналарни намоиш қилиш билан шуғулланмоқда. Бу ўзбек миллий кинематографиясининг раванқ топишида муҳим омилиға айланди.

Бугун жаҳонда 170 мингта рақамли кинозал мавжуд бўлиб, бу 41 минг аҳолиға битта кинотеатр тўғри келишидан далолат беради. Шу кўрсаткичдан келиб чиқадиган бўлсак, бугун Ўзбекистонда рақамли кино намоиши учун 700 дан ортиқ майдончалар бўлиши керак. Республикамизда эса 210 та кинозал бўлиб, ҳаммаси ҳам рақамли юқори технологияларға эға эмас. Шу билан бирға, статистик маълумотлар бу борада мавжуд нотекис тақсимланувға, вилоятларда яроқли кинозаллар сонининг қамайиб бораётганиға, уларда давлат тасарруфидаги кинозалларни реконструкциялаш ва рақамли модернизациялаш муаммолари мавжудлиғиға ишора қилады.

норматив-ҳуқуқий базанинг мукаммал эмаслиги, кўп ҳолларда фильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги шулар жумласидан.

Бугун жаҳонда 170 мингта рақамли кинозал мавжуд бўлиб, бу 41 минг аҳолиға битта кинотеатр тўғри келишидан далолат беради. Шу кўрсаткичдан келиб чиқадиган бўлсак, бугун Ўзбекистонда рақамли кино намоиши учун 700 дан ортиқ майдончалар бўлиши керак. Республикамизда эса 210 та кинозал бўлиб, ҳаммаси ҳам рақамли юқори технологияларға эға эмас. Шу билан бирға, статистик маълумотлар бу борада мавжуд нотекис тақсимланувға, вилоятларда яроқли кинозаллар сонининг қамайиб бораётганиға, уларда давлат тасарруфидаги кинозалларни реконструкциялаш ва рақамли модернизациялаш муаммолари мавжудлиғиға ишора қилады.

Бугунги миллий тафаккурни шакллантириш жараёнларида кино санъати етакчи ўринға эға. Сўнгги йилларда муайян тарихий воқеяликка асосланган фильмлар суратға олиш имконияти тўғилди. Давлатимиз раҳбари “Илҳак” (2020 йил) фильми хусусида тўхталиб, мазкур фильмда ватанпарварлик ғояси баландпарвоз тарзда эмас, балки даврининг мураккаблиқлари ва инсонлар тақдирини орқали ҳақоний ва таъсирчан акс этганини таъкидлади.

Стратегик истиқбол сифатида янги кинотаялим тизимини шакллантириш, биз кўндан бери кутаётган Тошкент халқаро кинофестивалини қайтадан ташкил этиш, шу билан бирға, киноижодкорларнинг ижтимоий ва иқтисодий мавқеини юксалтиришга қаратилган қадамлар ва кино таълими борасидаги ислохотлар кўтаринкилик бағишлады бизға.

Шу ўринда фильмларимизда ҳаёт ҳақиқати турмуш тўғрисидаги тасаввурларимиз ўзгариши билан боғлиқлиқда ўз талқинини топаётганини айтиб ўтишимиз керак. Қ.Қамолова, З.Мусоков, С.Назармухамедов, Р.Маликов, Ё.Тўйчиев, А.Шаҳобиддинов, Р.Саъдиев, Ж.Қосимов, Ҳ.Насимов, М.Абдухаликов, У.Ҳамдамов, Ж.Аҳмедов каби кинорежиссёрларимизнинг янги жанр шакллари, ўзига хос янги услубларни қўллаётганларини таъкидлашнинг истаридим.

2018 йилнинг февралда “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан юборилган делегациямиз жаҳондаги нуфузли Берлин халқаро кинофестивали доирасида қатор халқаро киноташкилотлар раҳбарияти ва вакиллари билан учрашган эди. ФИАПФ халқаро кинопродюсерлар ва фестиваллар ассоциацияси бошқарув директорларидан бири — жаноб Гием Гинести биздан мамлакатимизда киноиндустриянинг ҳолати, сармояларнинг характери хусусида сўраганида, Ўзбекистонда кино, асосан, давлат маблағларига олинаётганини маълум қилган эдик. Шунда у киши “Мамлакатингиз Президенти кионини бундай рағбатлантириш орқали ўтмишдан келажаққа кўприк қўйибдилар!” дея ўз ҳайрати ва эътирофини билдирган эди.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда кино соҳасида мамлакатимиз раҳбарияти бошчилиғида қурилаётган ушбу кўприк келажақнинг ёруғ йўлларига қўйилган ишончли кўприк, янги Ренессансимиз пойдеворидир.



Илм-фан



ТИББИЁТ СОҲАСИДА 177 ТА АМАЛИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ноибхон МАМАДАЛИЕВА,
Инновацион ривожланиш вазирлиги
илмий котиби, филология фанлари
доктори

Инновацион ривожланиш вазирлигида касалликларни даволашнинг янги усул ва технологияларини яратиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ечимига қаратилган илмий лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Айни шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасаруфидagi ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари томонидан танлов учун 2019 йилда 72 та лойиҳа тақдим қилинган бўлса, уларнинг сони 2020 йилнинг октябр ойигача 177 тани ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида тақлиф этилаётган лойиҳаларга буюртмаларнинг кўпи аввал бажарилгани, аниқ натижа ёки илмий ечимга қаратилмагани, тадқиқот натижаси мавҳум бўлиб қолгани сабабли қайта ишлаш учун қайтарилди. Айримлари эса белгиланган талаблар асосида шакллантирилмагани, лойиҳа талабномаси ва мавзуси бўйича тақлифлар аралашиб кетганлиги сабабли рад этилган.

Шошилинч тиббий ёрдам хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг энг йирик ҳамда муҳим аҳамиятга эга таркибий тузилмаси саналади. Бугунги кунда республикада шошилинч тиббий ёрдам хизматининг 13 та вилоят, 173 та туман ва шаҳар филиали мавжуд. Айниқса, коронавирус пандемияси сабабли бутун дунёда бўлгани каби республикада ҳам шошилинч тиббий ёрдам хизматига бўлган эҳтиёж кучайди. Масалан, пандемиягача шошилинч тиббий ёрдам хизмати ва унинг ҳудудий филиалларига бир йил давомида 10 миллионга яқин кўнғироқ ва мурожаат қилинган бўлса, пандемия шароитида улар сони 30 фоизга ошиб, 13 миллионга етди.



Одам анатомияси атласининг маълумотлар базаси тайёрланади, одам анатомияси атласи ишлаб чиқиладиган ва таълим жараёнида фойдаланиш учун атласнинг AR-технологияси яратилади.

қотиш синдромининг молекуляр-генетик белгиларини аниқлаш, унинг клиник кўриниши ва кечishi асосида эрта ташхис қўйиш технологияси — янги тест тизими (чип) ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ҳомиладор аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳомила йўқотиш белгиларини эрта аниқлаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги лойиҳа айни шу нукта назардан долзарб ҳисобланади.

2020 йил — Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб белгиланиши ҳам соҳа мутахассислари зиммасига улкан вазифаларни юклади. Президентимиз

2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юқалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”, дея алоҳида таъкидлади.

Тошкент педиатрия тиббий институти олимлари танловга тақдим этган “Аутизмга чалинган болаларни ўзбек тилида амалий хулқ-атворни таҳлил қилиш терапиясида ўқитишнинг янги инновацион технологиясини яратиш” мавзусидаги лойиҳаси асосида ўзбек тилида илк бор минтақамизга мослаштирилган аутист болалар идроки, умумий ва нозик ҳаракатлари, фикрлаш ва нутқини яхшилашга ёрдам берадиган инновацион технология ишлаб чиқиладиган аҳоли учун қулайлик яратди. Аутист болаларни даволашда инновацион технологияларни ўзбек тилида қўллаш даволаш кўламини ва самарасини кенгайтиради, улар орасида ногиронлиқни камайтиради ҳамда болани кундалик ҳаётга мослашув жараёнини тезлаштиради. Бугунги кунда дунё микёсида аутист болалар учун қўллаб даволаш дастурлари ишлаб чиқилган. Амалий хулқ-атворни таҳлил қилиш терапияси — бу ўзини туттиш технологиялари ва ўқитиш усулларига асосланган интенсив ўқув дастури. Ушбу дастурни ўзбек тилига мослаштириш, касалликнинг дастлабки босқичида индивидуал ёндашуви танлаш даволаш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, болаларнинг ривожланиши ва таълим олишини яхшилайти, уларда жамиятга мослашиш, яхши қайғирити ва ҳиссиёт уйғотишга сабаб бўлади.

Коронавирус инфекциясига қарши кураш ва COVID-19 штаммларини аниқлаш учун молекулар-генетик диагностикам яратиш, дори-дармон устида тезкор иш олиб бориш мақсадида 12 та умумий қиймати 19,6 миллиард сўм микдорда илмий лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Айни пайтда 4,5 миллиард сўм микдордаги 3 та илмий лойиҳа молиялаштирилди. COVID-19га чалинган бемор билан яқин мулоқотда бўлганларни тезкор аниқлаш мақсадида “Birga Yengamiz” мобил иловаси яратилиб, Android ва iOS тизимлари асосида ишлайдиган барча мобил телефонларга ўрнатилди ҳамда ундан белул фойдаланиш йўлга қўйилди. Айни пайтда ундан 10 минг нафарга яқин киши фойдаланяпти.

Мазкур мобил илова бемор билан охириги 14 кун ичида яқин масофа ва алоқада бўлган шахсларни аниқлашга ёрдам беради. Бу каби махсус мобил иловалар Жанубий Корея, Сингапур, Россия, Бирлашган Араб Амирикларига ва бошқа бир қанча давлатларда касаллиқга чалинганларни аниқлашда кенг қўлланилмоқда.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

ЯНГИ БОСҚИЧ БЎСАҒАСИДА: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Анвар РАҲМАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки таълим соҳасига янги мақсад — Учинчи Ренессансга эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бунинг учун эса олдимизда турган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимига кўмак бера оладиган, янги Ўзбекистонни бунёд этадиган янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш зарур. Шу боис, давлатимиз раҳбари таълим сифатини ошириш, амалиётга замонавий таълим тизимини жорий этиш, соҳага энг яхши ва қўбиятли мутахассисларни жалб қилиш, халқаро рейтингда юқори ўринга эга бўлган таълим муассасалари амалиётини миллий тизимга киритиш вазифасини белгилаб берди. Шу йилнинг 30 октябрь кунги Президентимиз раислигида ўтказилган мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳар бир оила, ҳар бир бола ҳаётини мактаб билан боғлаш, улар узвийлигини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг муҳим иши экани таъкидланди.

Шунингдек, дунё амалиётида қўлланилаётган замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги, бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасаларига етук кадрлар етказиб бериш ва тайёрлашда зарур восита бўлиши алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт дарида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида таълимнинг барча турларида бир қатор



янгилик ва ўзгаришлар белгиланган. Бундай янгиликларни олий таълим тизимида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Фармонда таълим дастурларини амалиётга жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизимини жорий этиш, олий таълим даргоҳларини нуфузли халқаро рейтинглардан муносиб ўрин эгаллаши учун тизимли ишлар олиб бориш, миллий рейтингда биринчи 10 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим муассасасига мавжуд иختисосликлар бўйича илмий унвонларни мустақил бериш амалиётини тақдим этиш, ўқувчиларнинг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш тартибини босқичма-босқич қўллаш каби бир қатор вазифалар белгиланган.

ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ НИМА?

Фармонда белгиланган дуал таълим тизими бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билим олишни тақозо этади. Оддийроқ қилиб айтганда, талаба бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам ишлаш имкониятига эга бўлади ва бунинг учун унга ҳақ тўланади. Бу ўқув турида бутун ўқув жараёни амалий ва назарий қисмларга бўлиниб, улар ўқиш давомида ўзаро алмашиб туради. Олий таълим муассасаларида аъъанавий тарзда олиб бориладиган назарий машғулотлар, яъни маъруза, семинар, лойиҳа ишлари ва ўқув охирида бўладиган имтиҳонлар ўртача 3 ой давом этади. Амалиёт эса ўқиш учун шартнома тузилган корхонада ўтказилади ва бу жараёнга ҳам ўртача 3 ой вақт сарфланади. Ундан сўнг улар яна ўрин алмашади. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, талаба



ана шу жараёнда ташкилотдаги иш тўғрисида бевосита тасаввурга эга бўлади, муайян тажриба орттиради, унга ички лойиҳаларда иштирок этиш имконияти берилади.

Дуал таълим тизими Германия, Австрия, Швейцария, Дания, Голландия ва Францияда қўлланилади. Ушбу тизим Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларида ҳам бир неча йилдан бери амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

Мазкур тизимнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундан иборатки, таълим муассасасини битирган шахс бир вақтнинг ўзида ҳам дипломга, ҳам меҳнат стажига, ҳам иш жойига эга бўлади, талабанинг ўқиш харажатлари ҳам ўша корхона томонидан қўллаб берилади.

WORLD SKILLS СТАНДАРТЛАРИ


Фармонда таъкидланган яна бир янгилик: ўқувчиларнинг касбий малакасини баҳолашда WorldSkills стандартлари тартиби жорий этилмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда олий ва ўрта касб-хунар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг касбий малакасини баҳолашда WorldSkills стандарти кенг оммалашиб бормоқда. Ўқувчиларнинг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш — олий ва



ўрта махсус дипломга эга бўлган мутахассисларнинг малакаси ва маҳоратини янги профессионал стандартларга мувофиқлигини баҳолашни назарда тутди. Бунда кўргазмали имтиҳондан фойдаланилади, яъни талабага ишлаб чиқаришга яқин шароитда ўзлаштирган касбий малакасини мустақил экспертларга намойиш этиш имконияти берилади.

Кўргазмали имтиҳон талабалар ва битирувчиларнинг маълум бир соҳада касбий фаолиятини амалга ошириш, маълум бир касб ёки мутахассислик бўйича ишларни бажаришга қаратилган билимлари, кўникмалари ва қўбиятларини WorldSkills стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун ўтказилади.



Бугунги кунда бутун дунёда олий ва ўрта касб-хунар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг касбий малакасини баҳолашда WorldSkills стандарти кенг оммалашиб бормоқда. Ўқувчиларнинг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш — олий ва ўрта махсус дипломга эга бўлган мутахассисларнинг малакаси ва маҳоратини янги профессионал стандартларга мувофиқлигини баҳолашни назарда тутди.

Кўргазмали имтиҳоннинг яқиний давлат аттестацияси сифатида жорий этилиши битирувчилар ўртасида соғлом рақобатни таъминлайди. Бу эса, талабаларни ўқиш даридаёқ потенциал иш берувчиларни топишга имкон беради.

Таълим муассасаси учун кўргазмали имтиҳонни жорий этиш кадрлар тайёрлаш сифати бўйича рейтингда қатнашиш имкониятини ҳам яратди. Президентимиз фармонида олий таълим муассасалари нуфузини ошириш мақсадида миллий рейтингда сўнгги 3 йил давомида доимий равишда биринчи 3 та ўриндан бирини эгаллаб келаётган олий таълим даргоҳларига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик бериш, мустақиллик мезонларини Европа университетлари ассоциацияси талабларига мувофиқ белгилаш каби масалалар ҳам назарда тутилган.

Олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш қай даражада муҳим ва у нима беради?

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш, таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага етказишнинг энг мақбул йўлларида бири — бу уларга академик мустақиллик бериш ва таълим жараёнига давлат аралашувини камайтириш ҳисобланади.

Академик мустақиллик таълим муассасасининг бошқарув сисбатини белгилаш, таълим жараёнини амалга ошириш, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, шунингдек, илмий, молиявий ва бошқа тадбирларда унинг мутлақ мустақиллигини аниқлатади. Академик ва молиявий мустақилликка эришган олий таълим муассасаси мустақил бошқарув кенгаши тузиш, унинг таркибига ҳодимлар, раҳбарият ва талабалар вакилларини киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Академик ва молиявий мустақиллик мазмунига кўра, таълим, молиявий, ишга қабул қилиш (кадрлар) масаласидаги мустақиллик турлиларга бўлиниши мумкин. Бунда таълим муассасалари ўқув йилидаги квоталар сонини, ўқиш учун тўлов пулларини ҳам мустақил белгилайди. Бу эса уларнинг нуфузли халқаро ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингига кирган биринчи 1000 талигидан ўрин олиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Замонавий шароитда, тобора ортиб бораётган бозор талаблари тўғрисида, иш берувчилар мутахассисларнинг юқори малакаси, касбий билимлари, ривожланишга интилиши ва замон талабларига жавоб бериш каби жиҳатларга алоҳида аҳамият беради. Замон талабига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш эса, асосан, таълим сифатига боғлиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти, таълимдаги рақобат муҳити ва жамоатчилик томонидан тан олиниши ўз-ўзидан таълим сифатини ошириш, университетларнинг масъулияти ва ўзини ўзи ривожлантириш учун етарли рағбат бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда академик мустақиллик университетнинг ижро органлари ортқиқа аралашувидан мустақиллигини, унинг муваффақиятли ишлаши ва рақобатбардошлигини кафолатлайди. Битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун эса, таълимда илгор тажрибалар асосида баҳолашнинг янгиланган тизимини жорий этилиши касбий тайёргарлик ва малаканинг мақоми ошишига олиб келади.

Юқорида келтирилган янгиликларнинг мамлакатимизда жорий этилиши, таълим тизимининг мослашувчанлиги ва очиклигини таъминлаш, хорижий модулар билан миллий олий таълим аъъаналарини уйғунлаштириш, таълим муассасасининг масъулиятини кескин ўсишига ҳамда халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингига киришга замин бўлиб хизмат қилади.

Адиблар хиёбонида

Кечагина кузнинг сержило манзаралари ила олтин тус олган хиёбонлар бугун қумуш қишни кутиб олиш тарадудиди янада гўзаллик касб этди. Кўнгилларни покликка, қалбларни қордек беғуборликка чорловчи Адиблар хиёбони бағри айни пайтда ҳам кўплаб таширфлару турли тадбирлар билан қайноқ. Гарчи, қиш бу йил қиличини вақтлроқ қайраганига қарамай, юрагида адабиёт ёнган, ижод барқ уриб турган зиёлилар, адабиётимиз вакиллари, илму урфон соҳиблари буюкларимиз боғидан сира йироқлашганлари йўқ.

Белгилаб олинган кўплаб “йўл хариталари” уларни шу манзилга бошлайверади, чорлайверади, бир мақсад сари бирлаштираверади. Эзгу ниятда ушбу табаррук масканга қадам ранжида этаётган ҳар бир ёш, ҳар бир катта авлод вакили давлатимиз раҳбари ташаббусининг нақадар кенг миқёсли эканини чуқур англаб етиши аниқ. Хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда ИИБ Академияси каби қатор олий таълим муассасалари талаба ва педагог ходимлари ҳам адабиёт орқали инсон кўнглига тўсиқсиз кириб бориш мумкинлигига яна бир қарра амин бўлди.

Адиблар руҳини шод этиш билан боғлиқ ишлар авжиди, йигит-қизлар эса янги-янги ғоялар устида изланаётганидан сезиш мумкинки, бу борада ёшларнинг энг фаолларини саралаш ишлари мутасаддилар учун қийинроқ кечади. Зеро, кузатишларимиздан аёнки, тадбирларда, давра суҳбатларида иштирок қилаётган ҳар бир ёш ўзича фаол. Бир-биридан кам бўлмаган иқтидор эгаларининг фикру мулоҳазаларидан айримларини сизга ҳам илдиндик.

КўНГИЛЛАРГА ОТАШ ИНАР АДАБИЁТ ТАФТИДАН

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” — энг юксак тарбия намунаси



Сарвиноз ЮСУПОВА,
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети талабаси:

— Инсон бу ёруғ дунёга келар экан, ўзи яшаб турган жамиятда қандай шахс бўлиб камолга етиши ва шу жамият ривожига қай даражада ҳисса қўша олиши, албатта, у олган таълим-тарбия ҳамда илму маърифатга боғлиқ бўлади.

Биз ижодини кенг ўрганаётган буюк аллома Абдулла Авлоний инсон тарбиясини бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган уч йўналиш — бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқ тарбиясига бўлади.

“Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизи қувватландурмак, фикримизни нуруландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зехнимизни равшанландурмак лозим экан. “Тарбияни қимлар қилур? Қайда қилинур?” деган савол келадур. Бу саволга “Биринчи, уй тарбияси. Бу она вазирадур. Иккинчи, мактаб ва

мадраса тарбиясидур” жавобини бериш зарур”, дейди аллома.

Бежиз ўз фикрларимизни маърифат-парвар олимнинг сўзлари билан бойитмадик. Абдулла Авлоний педагогикага бола тарбиясининг фанидир, дея таъриф берган. Бўлғуси педагогларнинг ўз билим ва салоҳиятларини янада бойитишда Авлоний асарларига юзланиши улар фаолиятида ижобий бурилиш ясай олади.

Авлонийнинг биргина “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “Емон хулқлар” номи бир бўлим бор. Унда кишиларга хос ўн саккиз қусур ҳақида сўз юритилади. Муаллифнинг наздида уларнинг ақсари яти учун хос бўлган хусусият — жожиллик. Бу қусур инсониятни илмсизлик, нодонликка етаклайди.

Маърифатпарвар олим ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга оқил, доно, деб баҳо беради. Тарбия билан дарс орасида фарқ борлигини, дарс олувчи — билувчи, тарбия олувчи — амал қилувчилигини айтади. Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари шоғирдларига берган сабоқларини амалда ҳам кўрсатишлари лозимлигини уқтиради. Аллома “Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шоғирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур”, деганида шоғирдларнинг ҳам бу қусурга чалиниши мумкинлигидан чўчилади.

Биз, бўлажак педагоглар Абдулла Авлонийнинг шахси, ижодий фаолиятини ўрганиш юзасидан ўтказилаётган тадбирларда ҳар сафар буюк маърифатпарвар, фидойи алломанинг янги-янги қирраларини кашф этиб бораёلمиз.

Ўзбек танқидчилигининг ёрқин намоюндаси



Лайло ТўРАЕВА,
ЎзЖОКУ Ёшлар билан ишлаш,
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи:

— Замонавий ўзбек танқидчилигининг ёрқин намоюндаси, атоқли жамоат арбоби Озод Шарафиддинов билан учрашиш, дарс ва сабоқларини олишга мушарраф бўлмаганман. Фақат ёзган мақолалари, китоблари, телевидениеда улар ҳақида намойиш қилинган ҳужжатли фильм ва замондошларидан эшитганларим орқали ҳаёти ва ижоди билан танишганман.

Журналистика факультетида таҳсил олган йилларимда устознинг қизлари Мухаббат Шарафиддинова атоқли олим ҳақида кўп ибратли хотираларини сўзлаб берган. Оталари ҳақида шунчалар фахрланиб сўзлар эдики, фарзанд учун бундан олий бахт бўлмаса керак. Шунингдек, неваралари Шахноза Тўйчиеванинг адабиёт дарсида ўқиган маърузалари ҳам барча талабаларни бирдек мафтун этарди. Мен устозларим Мухаббат ва Шахноза опаларнинг маҳорат билан дарс беришини, ўзлари жуда маданиятли эканликларини кўриб, Озод Шарафиддиновнинг фарзандларига берган таълим-тарбиясига ҳавас қилганман.

Бердақ ижоди Миртемир таржимасида янада таъсирчан



Гуландом ҚУРАМБӨЕВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт
институти доценти:

— Президентимиз томонидан сўнгги йилларда адабиётга, санъатга, маданиятга бўлаётган кучли эътибор халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш, ёшларни китобхонликка ўргатиш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Хусусан, пойтахтимизда Адиблар хиёбонининг барпо этилиши, танкичи ёзувчи ва шоирлар, адибларнинг юбилей саналари

республикамиз бўйлаб кенг нишонланаётгани фикримиз далилидир.

XIX асрда яшаб ижод этган улуғ қорақалпоқ шоири ва қорақалпоқ адабиётининг асосчиси Бердақ Қарғабой ўғлининг адабий мероси кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилинмоқда. Айтиш жоизки, ўзбек китобхонларини Бердақ ижоди билан яқиндан таништиришда Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг хизмати алоҳида. Миртемир ижодининг бир қирраси бадий таржимадан иборат экани ҳам шундан.

Бердақ асарларини ўзбек тилига таржима қилишни Миртемир элгинини йилларнинг аввалида бошлаган. 1951 йилда Бердақнинг бир неча поэмалари ва шеърлар туркумини ўзбекчалаштирди, “Омонгелди”, “Эрназар бий” ва бошқа достонларини ўзбек ўқувчиларига етказди. Сўнгги йилларда бу таржималар “Танланган асарлар” номи билан тўлдирилган, қайта ишланган вариантда бир неча марта чоп этилди.

Бу асарлар Бердақ лирикасида ижтимоий мазмун-моҳият касб этади. Дунё ташвишлари, олам ва одам ҳақида, адолат ва адолатсизлик, нодонлик

ва манманлик, инсоф ва диёнат тўғрисидаги ғоялар шоир лирикасидаги бош мотивлардан бири. У адолат томонидида туриб, ноҳақлик, виждонсизликни лаянатлайди, асарларида зулмни қоралаб, золимларни фош этади. “Халқ учун”, “Яхшироқ”, “Келин”, “Бу замон”, “Нодон бўлма”, “Қарамас”, “Қўрарман” ва яна туркум шеърлари шу мақсадга хизмат қилади.

Миртемирнинг Бердақ асарларидан қилган таржималари ўзбек-қорақалпоқ, қорақалпоқ-ўзбек адабий аллоқларининг мазмунли саҳифаларидан биридир. Шоирнинг қардош адабиёт олдидида катта хизматларидан бири ҳам шу икки адабиётнинг дўстлик ришталарини бадий таржималар орқали мустаҳкамлаганида. Миртемирга Бердақ номидаги Қорақалпоқистон Давлат муқофотининг берилгани ҳам бежиз эмас.

Биз, ёшлар шоир Бердақ шахси, унинг бетакрор ижодини ўрганиш асносида сеvimли шоиримиз Миртемирнинг юксак таржимонлик салоҳиятини ҳам кашф этиб бораемиз. Бу эса бизга икки қарра манфаатли экани билан аҳамиятлидир.

Маърифат учун курашганлар тимсоли



Асилбек ҲОШИМБӨЕВ,
ИИБ Академиясининг
3-босқич курсанти:

— Миллий адабиётимизда серқирра ижод қилган адиблардан бири Абдулҳамид Чўлпон эди. Унинг номи, ижоди миллий адабиётимизнинг ёрқин саҳифаларига айланган.

Сийсий қатагон йилларининг ноҳақ қурбони бўлган шоир юксак ижоди билан ўз даврнинг жонкуяр маърифатпарварларидан бирига айланди. Унинг қайта-қайта ўқилмайдиган, ўрганиладиган

ва баён этиладиган асарлари бисёр. “Дўхтир Мухаммадиёр” ҳикояси давр руҳини ақс эттирган шундай асарлардан бири.

Ҳикоя Мухаммадиёр ва унинг отаси билан кечган кечинмалар асосига қурилган. Ҳожи Аҳмад ота ўз даврнинг зиёли инсонларидан бири эди. У фарзандининг илм-маърифатли бўлишини истаб, миллат ва халқнинг мустақлаққа зулмидан озод бўлиш йўлидаги умидларини Мухаммадиёрнинг тақдирини кўради. Уни билим олишга, замона илмларидан хабардор бўлишга даъват этади. Мухаммадиёр ўз даврнинг маърифатли кишиларидан сабоқ олади. Аммо Туркистон ўлкасининг жаҳолат ботқоғига ботиб, ақсариёт кишилар маишату кўнглихушликка ружу қўйганидан руҳий-маънавий азоб чекади. Ўз юртидан наҳот толмагач, ўқишни хорижда давом эттиришга аҳд қилади. Аммо унга қўмак берадиган бирор кимса топилабмайди.


Асардаги воқеалар ривож китобхонни мулоҳазага қорлайди. Адиб истибод зулмининг халқ бошига солган азобу уқубатларини катта маънавий

жасорат билан қаламга олади. Ҳикояда Мухаммадиёрнинг отаси Ҳожи Аҳмад отанинг ўлимидан олдин ўғлига қилган васияти бор. Бир тўда киморбозлар томонидан шафқатсизларча ўлдирилган ота ҳаётининг сўнгги нафасида ўғлига имлаб: “Ўқи... Ўқи... Ўқи...”, дея васият қилади. Бу бутун умрини адолат ва ҳақиқатга бағишлаган отанинг ўз халқига йўллаган нидоси эди.

Аслида адиб ўз қаҳрамонлари орқали юрагининг тубидидаги ҳасрат тўла изтиробларини намоён этган. Чунки Абдулҳамид Чўлпон ва унга замондош адибларимиз ўлкани мустабид тузум таъсиридан халос этишининг бирдан-бир йўли — бу илм ва маърифат эканлигини яхши англари. Айни шу жиҳатлари билан адибларимиз асарларининг маънавий-тарбиявий аҳамияти катта.

Ўз ҳаётини Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, маърифатли бўлиши учун бағишлаган ижодкорларимиз асарларини кенг ўрганиш ёшларимиз таълим-тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Ўтган кунларнинг бугунги сабоғи



Нодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент давлат техника
университети электр
энергетикаси факультети
Ёшлар иттиқоғи етакчиси:

— Инсон умри узунлиги билан эмас, балки қандай яшаганлиги билан баҳоланади. Ҳаёти давомида ўзидан улкан маънавий ва бебаҳо мерос қолдирган, миллат

тафаккурини бирламчи вазифа деб билган, ўлмас асарлари билан одамларни уйғоқ қалб билан яшашга чорлаган адиб Абдулла Қодирий халқимизнинг ардоқли адибига айланган.

У миллат тафаккурини ошириш йўлида “Жадид адабиёти” асосчиларидан бири бўлди, ўзбек адабиётини романчиликни биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Миллий адабиётнинг забардаст вакилларига маънан устозлик қилди.

Абдулла Қодирий қаламига мансуб асарлари ўзбек урф-одатлари, қадриятлари жамланган мажмуа сифатида баҳоласа арзийди. Ёзувчининг биргина “Ўткан кунлар” асари ўзбек адабиётининг дурдонасига айланган. Абдулла Қодирий ижодиди миллий қадриятларимиз ифодаси ҳақида фикр юритар эканмиз, “Ўткан кунлар” романидаги бир вазиятни тилга олмаслик мумкин эмас. Асардаги “Қувланиш” бобида Отабек Қумуш уйидан ҳайдалган пайти отини бошқаришга ҳоли келмай, боши берк кўчага келиб қолади. Йўл-йўлаккай учрашиб қолган уста Алим Отабекни ўз уйига олиб боради. Инсонийликнинг ёзилмаган қонунига кўра, мусофир кимсани оқшом кўчада қолдириш гуноҳ ҳисобланган. Уста Алим мутлақо бегона одамни уйига тақлиф қилиш билан чекланмади. Отига озик берди, ўзини Марғилон таомлига кўра, имкон даражасида меҳмон қилди, суҳбатлашди.

Шарқшунос олим Бертельс “Ўткан кунлар”га баҳо бераркан, Европа романи, инглиз романи, рус романи билан бир қаторда ўзбек романи яратилганини эътироф этган. Адибнинг ҳаёти ва ижоди, у яратган нодир асарлари келажак авлоднинг хотирасида мангу яшайди.

Ибрат мактаби ярата олган адиб



Ўйлол НЕЪМАТОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети талабаси:

— Мухаммадризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳийни нафақат шоир, балки мумтоз шеърят билимдони, етук таржимон ҳамда Хивадаги адабий ҳаракатнинг жонкуяри сифатида қадрлаймиз. Албатта, тарихга назар солиб қарайдиган бўлсак, бир шахснинг ижодкор сифатида адабиёт майдонига келишида у яшаган давр муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Огаҳий ҳам шундай бир мураккаб ва серташвиш замонда туғилди. Бироқ турли

тўсиқлар ва машаққатлар унинг мақсадига чанг сола олмади.

Ёш шоир амакиси Мунис даргоҳида ўша замоннинг илм толиблари, адабиёт ихлосмандлари билан суҳбатларда, мушоираларда қатнашиб, ўзининг илмига бўлган иштиёқини янада ошириб борди. Мана шунинг таъсири ўлароқ, бутун ҳаёти давомида Огаҳий чигал қарама-қаршилиқлар, умидсизлик кайфиятларидан қатъи назар, ижод қилишдан, халқнинг орзу-умидлари, дардини ифодаловчи шеърлар ёзишдан тўхтамади. Бу фикрнинг далилини қуйидаги икки ғазал мактабасида келтирилган байтларидан ҳам илғаб оласан бўлади:

Огаҳий, тил тийғи тортиб ол маоний мулкни,
Ўйлаким олғай жажон тортиб шахи доно қилчи.

Юқоридаги байт мазмунидан кўриниб турибдики, Огаҳийнинг мақсади мансаб, бойлик эмас, маънолар ҳазинасига эга бўлиш, назмининг дуруни базл айламак, яъни эҳсон қилишдан иборат эди. Шунингдек, салафлар ижодини пухта эгаллаган шоир уларнинг изидан боришга ҳаракат қилди. Шуну ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Огаҳий Алишер Навоий ғазалларига ўз замон-

дошларидан кўра, кўпроқ муҳаммаслар боғлаган. Шоирнинг “Таъъиз ул-ошқин” девонидан Навоийнинг “оё”, “арзимас”, “тут”, “била”, “гул”, “муборак”, “нетай”, “андин”, “айлаб”, “ут”, “чекди”, “ёр ўлма-рай” каби радифларда айтган ғазалларига боғланган муҳаммаслари, кўпгина назиралари бор.

Огаҳийким, топқай эрди сози назминдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидан санго.

Ушбу байтни ўқиб, шундай фикрга эга бўламизки, Огаҳий Навоийни ўзига устоз деб билиб, унинг чинакам инсонпарварлик ва одоб-ахлоққа оид мулоҳазаларидан илҳом олади. “Навоийнинг навосидан баҳра олиш” унинг учун шунчаки қуруқ гап эмас, ҳақиқий масъулият ва ҳурмат-эҳтиромининг белгиси сифатида намоён бўлади.

Ўз даврнинг маърифатпарвар ижодкори Огаҳий ҳақиқий ибрат мактабини ярата олди. XIX аср ўрталари Хивада яшаб ижод этган, адолатпарвар шоир ўзининг бадий мероси, хусусан, девонлари ва таржима асарлари билан ўзбек адабиётининг аъёнларини давом эттириб, уни келгуси авлодларга безавол етказишга хизмат қилди. Бугун биз, ёшлар олдида улкан шоир ижодини ўрганиш ва ҳаётига татбиқ этиш вазифаси турибди. Зеро, ўтмишини унутмаган миллат келажакка мустаҳкам пойдевор қўяди.